



No'kis q. A.Dosnazarov k. 62 u'y, tel: 8 (361) 222-24-37, 222-24-63, faks: 222-98-30,
web-site: <http://kkedu.uz>, e-mail: qoraqalpogiston_xtv@xtv.uz

01 - Апрель 2021 j.

01-04/03- 1585 - sanli

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири
Ш.Х.Шерматовга

Хурматли Шерзод Хотамович!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалиги бошқаруви органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларда энгил хизмат автомашиналаридан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2011 йил 26 майдаги 153-сон Қарори талабларини бажариш ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим Қарорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги 822-сон Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2019 йил 10 октябр куни 330-сон буйруғи қабул қилинган.

Ушбу буйруқнинг иловасида Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида жойлашган “Меҳрибонлик уйи”га 1 дона энгил автомашина учун лимит ажратилган. Бугунги кунда ушбу “Меҳрибонлик уйи”га кўшимча энгил автомашина олиш зарур бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан энгил автомашина олиш учун маблағ ажратилган. Ушбу масалани ижобий ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан рухсат олиш зарур бўлмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Сиздан, “Меҳрибонлик уйи”га кўшимча энгил автомашина олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилган маблағни “UzAuto Motors” АЖ корхонасига ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидан рухсат олишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Хурмат билан,
Вазир

Р.Реимов